# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 4 август, № 160 (7118) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ТОКЗОРЛАР КЎПАЙИБ, УЗУМНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 август куни узум плантацияларини кўпайтириш, виночиликни ривожлантириш, алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кенгайтириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимизда барча соҳада туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида улар фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиб, тузилмаси янгиланмоқда. Раҳбарларга замон талабларига мос фаолиятни йўлга қўйиш, инвестициялар жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, экспорт ҳажмини ошириш ва жуғрофиясини кенгайтириш вазифалари юкланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 28 февралдаги “Виночилик соҳасини ва алкоголли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, “Ўзшаробсаноат” акциядорлик жамияти ҳам қайта ташкил этилиб, янги тузилмаси тасдиқланди ва раҳбарияти янгиланди. Узум плантацияларини кўпайтириш ва виночиликни ривожлантириш бўйича қатор вазифалар белгиланди.

Лекин мавжуд ҳолат рақамлар билан таҳлил қилинганда, тармоқда ўсиш деярли кузатилмаётгани аён бўлади. Масалан, тармоқдаги 62 ишлаб чиқарувчи субъект жорий йил биринчи ярмида 951 миллиард сўмлик вино ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқарган. Бу кўрсаткич мамлакат саноатининг атиги 1 фоизини ташкил этади. Юртимизда саноат 11 фоиз ўсган бўлса, мазкур тармоқда бу кўрсаткич бор-йўғи 0,9 фоиздан иборат.

Арoқ, вино, спирт, шампан виноси ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси тушиб кетган. Жорий йилнинг биринчи ярмига оид кўрсаткичлар 2017 йилнинг шу давридагига нисбатан солиштирилганда ҳам анча кам. Оқибатда маҳсулот ишлаб чиқариш прогнозлари бажарилмаган. Бу муаммони бартараф этиш учун тармоқ раҳбарлари қувватдан фойдаланиш даражасини кескин тушириб юборган заводларни алоҳида ўрганиб, тегишли чоралар кўриши керак. Илгари тармоқ заводлари ўз қувватининг асосий қисмини яширин ишлаб чиқаришга йўналтирган ҳолатлар ҳам бўлган. “Иккинчи линия” деб аталган бу иллатнинг яна юзага келишига йўл қўймаслик лозим.

Ишлаб чиқаришда маҳсулотлар турлари миқдорининг мутаносиблигига эътибор берилмаяпти. Сўнгги 10 йилда ишлаб чиқарилаётган узум виноси ароқ ва ликёрга нисбатан 2,5-3 баробар камайиб кетган. Чунки бирламчи вино ишлаб чиқариш корхоналари 200 минг тонна узумни қайта ишлаб, 14 миллион декалитр виноматериал тайёрлаш қувватига эга бўлса-да, хом ашё камлиги сабабли бу қувватларнинг атиги 15 фоизидан фойдаланилмоқда. Виноматериал тайёрловчи корхоналарнинг фақат 25 фоизи модернизация қилинган бўлиб, қолганларида ҳамон ўтган асрнинг 90-йилларида ўрнатилган ускуналар ишлатилмоқда. Шу боис қарийб 4 миллион декалитр тайёр қадоқланган вино маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 25 корхона 57 фоиз қувват билан ишламоқда.

Бунинг асосий сабаби винобоп токзорлар майдони ва ҳосилдорлиги кескин камайиб кетганидадир. Мамлакатимизда 73 минг гектар токзор мавжуд. Унинг 10 минг гектарида винобоп узум етиштирилади. Шундан “Ўзшаробсаноат” корхоналарига тегишли токзорлар 4,3 минг гектарни ташкил этади. Бу миқдор билан ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қоплаб бўлмайди. Шу боис жорий йил феврaль ойида “Ўзшаробсаноат” корхоналарига 2021 йилгача винобоп токзорларни 10 минг гектарга етказиш вазифаси қўйилган эди.

Йиғилишда таъкидланганидек, ҳозиргача фақат 390 гектарга винобоп узум кўчатлари экилган. Ҳокимликлар ажратган 6,8 минг гектар ер майдонининг 2,5 минг гектарида кузга бориб токзорлар ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Ҳосил, яъни хом ашё камлигига “Ўзшаробсаноат” акциядорлик жамияти таркибидаги агрофирмаларнинг сусткашлиги ва лоқайдлиги ҳам сабаб бўлмоқда. 21 агрофирмага қарашли ер майдонларининг фақат 1,1 минг гектари токзор бўлиб, қолган 1,3 минг гектари умуман ўзлаштирилмаган. Бу фирмалар 2017 йилни 3 миллиард сўм зарар билан якунлаган.

Шуларни ҳисобга олиб, мутасаддиларга узумчиликни ва узумни қайта ишлашни кескин ривожлантириш, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва янги қувватлар ташкил этиш бўйича 5 йиллик дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Дастурни тайёрлашда винобоп токзорлар ва замонавий кўчатхоналар ташкил этиш учун виночилик корхоналарига 10 минг эмас, 20 минг гектар ер майдони ажратиб бериш чораларини ҳисобга олиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, ароқ заводларига лицензия бериш шартлари қаторига винобоп токзорлар барпо этиш ва тайёр вино маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш талабини киритиш, “Ўзшаробсаноат” тизимидаги агрофирмалар фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, ўзлаштирилмаган ёки самарали фойдаланилмаётган ер майдонларини винобоп токзорлар ташкил этиш учун кластер усулида хусусий мулкдорларга бериш юзасидан манзилли чоралар ишлаб чиқиш зарур.

Янги ташкил этиладиган токзорлар ҳосилга кириши учун вақт керак бўлади. Уни бекор ўтказмасдан турли мевалардан вино, сирка ва сидр тайёрлашни йўлга қўйиш даркор. Шунда мамлакатимизда меванинг бир қисми қайта ишланмасдан нест-нобуд бўлишининг ҳам олди олинади. “Ўзшаробсаноат” акциядорлик жамияти хорижий тажриба ва ички имкониятларни ўрганиб, янги тайёрланадиган дастурга мевалардан вино ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий йилнинг ўзида ташкил этиш ва кейинги йилларда кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар қўшиши лозим.

(Давоми 2-бетда).

# «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Ҳурматли темир йўлчилар!

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти тизимида меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчилар, қурувчи ва муҳандислар, машинист ва вагон кузатувчилари, соҳа фахрийларини, самарали меҳнати билан мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари куни байрами билан самимий табриклаб, сизларга ўзимнинг эзгу тилакларимни ва чуқур ҳурматимни изҳор этаман.

Ўз касбига садоқатли ва фидойи сизлар каби минглаб юртдошларимизнинг сидқидилдан қилаётган меҳнати, билим ва тажрибаси туфайли темир йўл тармоғи ходимлари эл-юртимиз ўртасида ҳақли равишда обрў-эътибор ва эҳтиромга сазовор бўлиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз темир йўл тизими мустақил давлатимиз билан биргаликда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ўтган чорак аср давомида пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегия асосида тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ташкил этилган кундан буён юк ташиш ҳажми 2,1 марта, йўловчи ташиш ҳажми 2 баробар кўпайгани, темир йўллар орқали 1,5 миллиард тонна юк ташилиб, 370 миллион нафар йўловчи ўз манзилига етказилгани сизларнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли амалга оширилган ишлар салмоғи нақадар катта эканининг яққол тасдиғидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси доирасида барча соҳа ва тармоқлар сингари темир йўл тизимида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали манзилларига етказилаётганини инобатга оладиган бўлсак, ушбу соҳа иқтисодиётимиз ривожида қандай муҳим ва катта мавқени эгаллаб турганини янада чуқурроқ ҳис қиламиз.

Тизимдаги саноат корхоналари давр талабига мос технологиялар билан жиҳозланиб, уларда замонавий йўловчи ва юк вагонлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган транспорт машинасозлиги соҳасида ҳам темир йўлчиларимиз ўзининг муносиб ўрнини топганидан далолат беради.

Жумладан, биргина “Қуюв-механика заводи” корхонасида ҳаракатланадиган таркибни таъмирлаш базасини ривожлантириш, вагонсозликни ташкил этиш ва қуюв корхонасини реконструкция қилишга қаратилган катта кўламдаги лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида янги юк вагонлари, кўп тонналик контейнерлар ишлаб чиқарилишини кенгайтириш ва юк вагонларини капитал таъмирлаш ва қайта тиклаш ишларини янада жадаллаштириш имконияти яратилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгаллади. Бу борада амалга оширилган катта кўламдаги ишларнинг барчаси иқтисодиётимизда юксак натижаларни қўлга киритишга асос бўлмоқда. Темир йўлчиларимиз томонидан истиқлол йилларида 1500 километрдан ортиқ янги темир йўлларнинг барпо этилгани, 1800 километрлик темир йўл линияларининг электрлаштирилгани мамлакатимизни модернизация қилишда улкан қадам бўлди.

Энг асосийси, бу ўзгаришлар халқимиз ҳаётида ўзининг ижобий самарасини кўрсатмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, бундай ишларимиз бугунги кунда ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда. Жумладан, ҳозирги вақтда Тошкент метрополитенининг “Сергели — Олмазор”, “Дўстлик — Роҳат — Қўйлиқ бозори” йўналишларида Марказий Осиёда ягона бўлган ер усти ҳалқа метро линияларини қуриш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаётганидан жамоатчилигимиз яхши хабардор.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг кўп миллатли жамоаси темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш, такомиллаштириш ва реконструкция қилиш, темир йўл орқали юк ва йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширмоқда.

Бу борада янги темир йўлларнинг фойдаланишга топширилиши мамлакатимиз ҳудудларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металлар, қурилиш материаллари ва бошқа хом ашёга бой конларни комплекс ўзлаштириш, энг муҳими, мингминглаб юртдошларимизни иш билан таъминлаш имконини бераётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Испаниянинг “Talgo” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган юқори тезликда ҳаракатланадиган “Afrosiyob” электропоездлари пойтахтимиздан Самарқанд, Бухоро, Қарши каби тарихий шаҳарларимизга қатнамоқда. Бу электропоездлар қисқа муддатда халқимиз ва хорижий меҳмонларнинг эътибори ва ишончини қозонди.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти томонидан транспорт соҳасидаги хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида ҳаракатланадиган таркибни замонавий, юқори самарали локомотив ва қулай вагонлар билан таъминлаш ва модернизация қилиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган 16 та янги темир йўл вокзали қурилди, 10 та вокзал қайта қурилди ва деярли барча станциялар халқаро сифат стандартлари талаблари даражасида юқори технологиялар билан жиҳозланди.

Темир йўл транспорти коммуникациялари ва инфратузилмани ривожлантириш учун 8 миллиард доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди, шундан 2,6 миллиард доллари хорижий инвестициялардир.

Темир йўлчиларимиз яна бир йўналиш — кўмир саноатини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш, кон ишларининг самарадорлигини ошириш, ресурсларни тежайдиган янги, прогрессив технологияларни жорий этиш, аҳолига кўмир маҳсулотларини етказиб бериш ишларида ҳам ўзларининг юқори салоҳиятини намоён этмоқдалар.

Сизларнинг фидокорона меҳнат қилиб, узоғимизни яқин қиладиган равон йўллар, Тошкент шаҳрида ва юртимизнинг бошқа ҳудудларида ўнлаб замонавий кўприклар қуриб, Ватанимиз ободлигига муносиб ҳисса қўшаётганингиз алоҳида таҳсинга сазовор.

Шунингдек, темир йўл соҳаси ишчи-ходимларининг “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида ижтимоий соҳада, хусусан, табиий шароити, иқлими оғир ҳудудларга тоза ичимлик суви етказиб бериш, қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилиш, халқимиз фаровонлигини ошириш, арзон уй-жойлар, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт масканларини барпо этиш йўлида олиб бораётган эзгу ишларини мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон темир йўл тармоғининг келажаги, аввало, соҳага замонавий билимга эга, илғор технологияларни пухта ўзлаштирган, ўз касбига содиқ, Ватанимизга фарзандлик меҳри билан яшайдиган ёш мутахассис ва ишчиларни кенг жалб этиш билан бевосита боғлиқдир.

Юртимиздаги 3 та темир йўл касб-ҳунар коллежи, академик лицей ва Тошкент темир йўл муҳандислари институтини ҳар йили 3 мингдан зиёд ёш мутахассислар тамомлаб, ҳаётга йўлланма олаётгани мамлакатимиз темир йўл транспортининг келгуси тараққиёти учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни вақтда сизларнинг олдингизда юк ва йўловчи ташиш ҳажмини ошириш билан бир қаторда, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш, бой минерал-хом ашё ресурсларини комплекс ўзлаштириш, янги иш ўринларини яратиш, тармоқ корхоналари учун мутахассислар тайёрлаш, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг кўмир маҳсулотларига тобора ўсиб бораётган талабини қондиришга йўналтирилган инвестициявий лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш каби муҳим ва устувор вазифалар турибди.

Ишонаманки, 87 минг нафардан ортиқ юқори малакали, ўз касбига садоқатли, фидойи ва илғор темир йўлчилар жамоаси бу вазифаларни чуқур ҳис этган ҳолда ўзларининг бор билим, малака ва куч-ғайратларини сафарбар этиб, зиммаларидаги бурчларини шараф билан адо этадилар.

Ҳурматли темир йўл транспорти ходимлари!

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда ва шахсий ҳаётингизда ютуқ ва омадлар, оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Азиз ва ягонамсан, жонажон Ўзбекистоним!**

# Бунёдкорлик, ободлик ва янгиланиш

**мамлакатимиз темир йўл тизимида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мазмун-моҳиятини ифода этади**




*Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 августдаги Фармонига мувофиқ, мамлакатимизда август ойининг биринчи якшанбаси “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари куни” сифатида кенг нишонланмоқда.*

Транспорт тизими мамлакат иқтисодиётини ривожлантирувчи энг муҳим тармоқлардан бири саналади. Юк ва йўловчи ташишда, ҳудудлар инфратузилмаси ривожида, айниқса, темир йўлларнинг аҳамияти жуда юқори. Сўнгги пайтларда мазкур йўналишда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари туфайли кўплаб янги йўллар, замонавий ва тезкор хизмат кўрсатувчи вокзаллар, логистика марказлари барпо этилаётгани халқимиз фаровонлиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўляпти. Темир йўлларнинг қўшни давлатлар билан туташтирилаётгани эса қардош халқлар билан алоқаларни янги босқичга кўтармоқда. Буларнинг барчаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, мураккаб тоғ ва чўл шароитларида “пўлат из”лар ётқизиб, тезюрар поездлар ҳаракатини ташкил қилиш, линияларни электрлаштириш, юк ва йўловчи вагонларини ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган йирик лойиҳаларнинг амалий самарасидир. Пойтахтимиз — Тошкент шаҳрида қурилаётган ер усти ва ер ости метро линияси аҳамиятини-ку барчамиз яхши биламиз. Шулардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, темир йўлчилик бугун том маънода шарафли ҳамда масъулиятли касбга айланмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида”ги Фармони билан август ойининг биринчи якшанбаси “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти ходимлари куни”, деб эълон қилингани мазкур касб қадрини ортиб, юксак баҳоланаётганидан далолатдир. Бугун соҳа ходимлари байрамни ана шундай юқори кайфиятда қарши олишмоқда. Бинобарин, жорий йилда ҳам бутун мамлакатимиз равнақига хизмат қилувчи лойиҳалар кўп.

2 ➡

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## МАМЛАКАТИМИЗ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз темир йўл транспорти тизимидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, соҳани замон талаблари асосида ривожлантириш, минтақа ва жаҳон миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги катта хизматлари, халқаро стандарт ва талабларга мос янги темир йўлларни барпо этиш, тармоқнинг барқарор ва самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини юксалтириш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирлансин:

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

**Юлдащев Сергей Владимирович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Тошкент метрополитени» унитар корхонаси «Ўзбекистон» электродепоси машинист-йўриқчиси, Тошкент шаҳри

**Юсупов Юсупбай Исмаилович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Урганч локомотив депоси чилангари, Хоразм вилояти

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

**Абдурахимов Хадятулло Тўғонович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг 164-йўл машина станцияси кран машинисти, Фарғона вилояти

**Кан Эдуард Григорьевич** — «Боштранслойиҳа» акциядорлик жамиятининг темир йўлларни лойиҳалаш бўлими лойиҳалар бош муҳандиси

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Одилов Алишер Равшанович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# МАМЛАКАТИМИЗ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Салиев Батиржан** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Ягона диспетчерлик маркази бош поезд диспетчери

**Суяров Шамшиддин Норкулович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Тинчлик» локомотив депоси таъмирлаш цехи бригада бошлиғи, Навоий вилояти

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Баймуратов Эшкуват Жалгашович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Термиз вагон депоси вагонларни режали таъмирлаш цехи чилангари, Сурхондарё вилояти

**Бахадиров Фуод Вадудович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Ахборот-ҳисоблаш маркази бошлиғи

**Бекмирзаев Ганижон Мирзамахмудович** — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонаси вагон йиғув цехи чилангари, Тошкент шаҳри

**Мамадалиева Фатима Садиковна** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Қўқон минтақавий темир йўл узели» унитар корхонаси «Қўқон» станцияси маршрутли-релели марказлаштириш навбатчиси, Фарғона вилояти

**Мамадов Абдукахар Гуламович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамияти «Ангрен кўмир кони» филиали экскаватор машинисти, Тошкент вилояти

**Суванкулов Кахрамон Норкулович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Жиззах темир йўл масофаси катта йўл устаси, Жиззах вилояти

### «Дўстлик» ордени билан

**Гаюпов Даулетбай Мирзабаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Қўнғирот темир йўл масофаси йўл устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Икромова Мастура Караханновна** — «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» акциядорлик жамиятининг кран машинисти, Тошкент шаҳри

**Лунева Алия Анваровна** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти Капитал қурилиш дирекциясининг режалаштириш бўлими бошлиғи ўринбосари

**Мурясова Нурания Эрифовна** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти «1-энергомонтаж поезди» унитар корхонасининг сифат, сертификатлаш ва стандартлаш бўйича етакчи муҳандиси

**Назарова Дилдор Тимуровна** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Инвестицияларни жалб этиш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Сабиров Кутлимурат** — Ўзбекистон темир йўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмасининг Республика кенгаши раиси

**Туляганов Ойбек Турабекович** — «Кўприк қурилиш тресті» унитар корхонасининг 67-кўприк қуриш отряди бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Халиков Кадирхан Усарович** — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси бош муҳандиси

**Хамракулов Собир Суяркулович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Ховос сигналлаштириш ва алоқа масофаси катта электромеханиги, Сирдарё вилояти

### «Шуҳрат» медали билан

**Бекбоев Узокбой Умуркулович** — «Кўприк қурилиш тресті» унитар корхонасининг 67-кўприк қуриш отряди электропайвандчиси, Тошкент шаҳри

**Бекматов Ғолиб Ташкентевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти «Қарши минтақавий темир йўл узели» унитар корхонасининг электр таъминот корхонаси электромеханиги, Қашқадарё вилояти

**Назаров Шавкат Аликулович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг Бухоро локомотив депоси тепловоз машинисти, Бухоро вилояти

**Шухлин Георгий Борисович** — «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Тошкент метрополитени» унитар корхонаси «Чилонзор» электродепоси машинист-йўриқчиси, Тошкент шаҳри

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 3 август

# ТОКЗОРЛАР КЎПАЙИБ, УЗУМНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИНАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Янги дастурга тармоқ экспортини кескин ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ҳам киритиш кераклиги қайд этилди. Негаки, мамлакатимизнинг арoқ-ликёр маҳсулотларига хорижда талаб катта эмас, тармоқ экспортининг асосий қисмини виноматериаллар ташкил этади. Биринчи ярим йилликда эса экспорт ҳажми атиги 9,6 миллион долларни ёки режанинг 85 фоизини ташкил қилган.

Маълумки, Ўзбекистонда жаҳон талаблари даражасидаги вино ишлаб чиқариш имконини берадиган Пино нуар, Шардонэ, Совиньон-блан каби узум навлари етиштирилмайди. Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси уларнинг кўчатларини импорт қилишни тақиқлаган. Чунки бу филлаксера, яъни ток кўчатларини қуритиб юборадиган зараркунанда ҳашарот тарқалишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун мазкур навлар кўчатини эмас, қаламчасини келтириб, қатъий карантин шароитида кўчатхонада ўстириб, кўпайтириш керак. Шундан келиб чиқиб, Ўсимликлар карантини давлат инспекциясига виночилик ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, сертификатланган узум навлари қаламчаларини олиб келиш бўйича таклифлар тайёрлаш топширилди.

Йиғилишда соҳага тўғридан-тўғри инвестициялар жалб қилиш ишлари ҳам талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. “Ўзшаробсаноат” тизимидаги аксарият корхоналарда ускуналар эскирганига, виночилик ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш инвестиция киритиш учун энг қулай тармоқлардан бири эканига қарамай, айни пайтда ўзлаштирилаётган инвестицияларнинг атиги 0,5 фоизи шу соҳага тўғри келади. Жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан 2 марта кўп — умумий қиймати 59 миллион долларлик 31 тармоқ лойиҳаси амалга оширияпти, лекин уларнинг қарийб ярми йил якунига қадар ишга тушиши даргумон.

Шунингдек, сусткашлик ва лоқайдлик туфайли тармоқ корхоналари томонидан соҳага оид бўлмаган йўналишларда амалга оширилаётган 101 миллион долларлик 21 лойиҳага умуман хорижий инвестиция жалб қилинмаган. Уларнинг 15 таси бу йил фойдаланишга топширилмасдан қолиши мумкин.

Мутасаддилар шуларни ҳисобга олган ҳолда, икки ой муддатда хорижий инвестициялар иштирокида виночиликни ривожлантириш ва арoқ-ликёр маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасини модернизация қилиш бўйича камида 300 миллион долларлик лойиҳалар рўйхатини шакллантириб, 2019 — 2022 йилларга оид инвестиция дастурлари доирасида уларнинг амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирларини белгилаши зарур.

Яна бир муҳим масала алкоголь маҳсулотларини яширин ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатларининг олдини олиш билан боғлиқ. Бунинг учун ахборот технологияларини кенг жорий этиш лозим. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва “Ўзшаробсаноат” акциядорлик жамиятига 2019 йил 1 июнгача “ишлаб чиқарувчи — улгуржи сотувчи — чакана сотувчи — истеъмолчи” занжири бўйича алкоголли маҳсулотлар ҳаракатини назорат қилиш имконини берадиган электрон тизимни ишга тушириш чораларини кўриш топширилди.

Тармоқ раҳбарларининг алкоголь маҳсулотларини сотиш монополиясини босқичма-босқич тугатиб, уларни хусусийлаштириш тўғрисидаги таклифи муҳокама қилинар экан, бунда турли қинғирликлар келиб чиқиши, хусусан, “иккинчи линия” пайдо бўлиши, фойдани яширишнинг янги схемалари юзага келишининг олдини олиш масаласини, бу таклиф алкоголь маҳсулотлари савдосидан Давлат бюджетига тушадиган акциз ва қўшимча қиймат солиғи ҳажмларига қандай таъсир кўрсатишини, умуман, ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларнинг ҳисоб-китоби қай тарзда тартибга солинишини чуқур ўрганиш зарурлиги таъкидланди. Бу хусусда Бош прокуратура ва Давлат солиқ қўмитаси тегишли хулоса бериши керак.

Йиғилишда мамлакатимиз ҳудудига алкоголь ва этил спирти маҳсулотлари ноқонуний йўллар билан кириб келишининг олдини олиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Давлат божхона қўмитаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бирга бу муаммони бартараф этиш юзасидан тезкор тадбирларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиши зарурлиги таъкидланди.

**ЎзА.**

# Бунёдкорлик, ободлик ва янгиланиш

### мамлакатимиз темир йўл тизимида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мазмун-моҳиятини ифода этади



1

Темир йўлчилар маданият саройида соҳа ходимларининг касб байрамига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиб, бунга яна бир карра амин бўлдик. Бу ерда жам бўлган мазкур соҳа фидойилари, ишчи-ходимларнинг юзларида табассум, қалбларида хурсандлик, меҳнатидан мамнунлик ҳисси мужассам.

Расмий тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, темир йўлчилар, санъат, маданият соҳаси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг соҳа ходимларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Раматов ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, тантанали тадбирда Президентимиз Фармонига биноан тақдирланган бир гуруҳ темир йўлчиларга давлатимизнинг юксак мукофотлари тантанали равишда топширилди.

— Темир йўлчилик осон касб эмас, айниқса, хотин-қизлар учун, — дейди “Қўқон минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси “Қўқон” станцияси маршрутли-релели марказлаштириш навбатчиси Фатима Мамадалиева. — Лекин бу шарафли иш. 36 йилдан буён шу соҳада меҳнат қилиб келяпман. Хизматларим юксак баҳоланиб, ўтган вақт мобайнида “Фахрий темир йўлчи” нишонини олдим. Бугун давлатимиз раҳбари томонидан “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланганим фаолиятим давомидаги унутилмас кунлардан бири бўлиб қолади.

Қайд этганимиздек, бугунги кунда темир йўлчиларимиз томонидан мамлакатимиз тараққиётини таъминлаш бўйича кўплаб ишлар бажарилмоқда. Хусусан, жорий йил охирига қадар республикамизда 90 километр узунликдаги янги темир йўллар барпо этилади. Ушбу бунёдкорлик ишлари Қарши — Китоб, Андижон — Савай — Хонобод, Поп — Қўқон — Андижон, Жиззах — Янгиер линияларида амалга оширилади.

Айни пайтда жамиятда транспорт-логистика инфратузилмасини янада ривожлантириш орқали тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида Давлат хизматлари марказлари ташкил этилганки, бу ҳам уларга катта қулайлик яратмоқда. 16 та янги темир йўл вокзали бунёд этилди, 10 та вокзал реконструкция қилинди ҳамда йўловчиларга халқаро стандарт ва талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланди. Бунинг натижасида юк ташиш ҳажми 2,1 марта, йўловчи ташиш ҳажми 2 баробар кўпайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил январь ойида Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида Тошгузар — Шаҳрисабз — Китоб темир йўлини модернизация қилиш ва электрлаштиришни назарда тутувчи лойиҳа тақдимоти ўтказилган эди. Ҳозир тарихий шаҳар Шаҳрисабзнинг сайёҳлик салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи ушбу лойиҳа доирасидаги ишлар тобора кенг қулоч ёймоқда.

Аслида мазкур лойиҳага бир муддат олдин, яъни давлатимиз раҳбарининг шаҳар ва туманларни комплекс ривожлантириш, сайёҳлик соҳасидаги улкан салоҳиятдан унумли фойдаланиш бўйича берган муҳим топшириқ ҳамда тавсиялари билан Қарши — Китоб темир йўл участкасини электрлаштириш ва мазкур йўналишда тезюрар поезд ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаси асосида бошланганди.

Қарши — Китоб темир йўл линиясининг умумий узунлиги қарийб 124 километрдан иборат. Йўналиш 3 та вокзал, 8 та станция, 46 та кўприк ва 107 та бошқа сунъий иншоотни ўз ичига олади. Лойиҳа доирасида, шунингдек, битта тортувчи нимстанцияси, битта контакт тармоғига хизмат қилувчи навбатчилик пункти ва 94 километр масофада контакт тармоғи, ташқи электр таъминоти объектларини қуриш белгиланган. “Ғузор”, “Қамаши”, “Яккабоғ”, “Китоб” вокзаллари қайта қурилиб, темир йўл атрофини панжаралар билан ўраш, сигналлаштириш ва телекоммуникация тизимларини модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Айни пайтда электрлаштириш ишларига 100 га яқин махсус техникалар ва 300 нафарга яқин ишчи-ходимлар жалб қилиниб, лойиҳалаштириш билан биргаликда қурилиш ишлари ҳам бажариляпти. Шу кунга қадар режадаги барча пойдевор ҳамда темир-бетон контакт тармоқ таянчлари ўрнатиб бўлинди. Шунингдек, станцияларда контакт тармоғини ушлаб турувчи темир конструкцияларни ўрнатиш ишлари ҳам ниҳоясига етказилди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 58,87 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Жорий йил Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган мазкур лойиҳа Тошкент — Самарқанд — Қарши — Китоб йўналишида ягона туристик йўналишни яратиш ва халқаро туризмни кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, бу поездлар ҳаракати вақтини қисқартириш, ортиқча харажатларни тежаш, қўшимча 200 га яқин янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Воҳадаги қадимий ёдгорликларни кўришга ошиқаётган сайёҳлар сони ортишига замин яратади.

Ҳозирги кунда Самарқанд, Қарши ва Бухоро шаҳарларига “Afrosiyob” электропоезди мунтазам қатнаётган бўлса, ҳадемай, бу учқур поездлар Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларига ҳам ҳаракатлана бошлайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 25 апрелдаги қарорига мувофиқ, Хива шаҳрида ҳам темир йўл ётқизилди. Шу кунгача кўзда тутилган мавжуд муҳандислик тармоқларининг темир йўл билан 89 та кесишмаси қайта қурилди. Жами 831 минг куб метр тупроқ ишлари ҳамда 33,8 километр ерда кўтарма ишлари бажарилди.

— Шунингдек, ушбу лойиҳа доирасида режалаштирилган 93 та сув ўтказувчи сунъий иншоот, 5 та кўприк ва битта йўлўтказгич қурилди, — дейди лойиҳа муҳандиси Равшан Шокиров. — Умумий қиймати 35,9 миллион АҚШ доллари бўлган лойиҳа 2017-2018 йилларда амалга оширилиши белгиланган эди. Мана, қисқа фурсатда Хоразм вилояти маркази билан кўҳна шаҳарни боғловчи янги темир йўл замон талаблари даражасида тўлиқ қуриб битказилди. Ушбу бунёдкорлик ишларида Махсус механизациялашган йўл станцияси, Урганч йўл масофаси, Хоразм темир йўл қурилиш унитар корхонаси, 203-279 йўл машина станцияси вакиллари сидқидилдан меҳнат қилди.

Лойиҳа доирасида Хива шаҳрида бир вақтнинг ўзида 200 йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга, миллий услублар билан уйғунлашган темир йўл замонавий вокзали ҳам барпо этилди. Унинг ташқи кўриниши Хоразм меъморчилиги намуналарини ўзида акс эттирган.

Бунёдкорлик — халқимизга хос хислат. Бу фазилат темир йўл тизимида ҳам яққол намоён бўлиб, рўёбга чиқарилаётган истиқболли лойиҳалар, тизимдаги янгиланишлар аҳоли фаровонлиги, мамлакатимиз ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшиляпти.

Тантанали тадбирда, шунингдек, бир гуруҳ соҳа ходимларига “Фахрий темир йўлчи” нишони топширилди.

Тадбир сўнгида санъат усталари томонидан концерт дастури намойиш этилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
***«Халқ сўзи» мухбири.***

*Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.*

Хитой матбуоти:

# «Ўзбекистон Ғарб ва Шарқ ўртасидаги кўприк»

*Хитойнинг “globalmerchand.com.cn” электрон портали саҳифасида Ўзбекистонга бағишланган ахборот материали эълон қилинди. Унда юртимизнинг Хитой Халқ Республикасидаги дипломатик ваколатхонаси томонидан Пекин шаҳрида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятига бағишлаб ўтказилган анжуман тафсилотлари атрофлича ёритилган.*

**БИЗ ВА ЖАҲОН**

Кўплаб ўқувчилар қизиқишига сабаб бўлган ушбу ахборотда 15 июлдан эътиборан Ўзбекистонга кириш учун электрон визаларни расмийлаштириш ва бериш тизими енгиллаштирилгани, республикамиз ҳудуди орқали транзитни амалга ошираётган 101 давлат, шу жумладан, Хитой фуқаролари учун беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда визасиз кириш ва юртимизда вақтинча бўлиш тартиби жорий этилгани ҳақида маълумот берилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Хитой халқларини қадим алоқалар боғлаб туриши, уларнинг тарихи эса кўҳна Буюк Ипак йўли даврларига бориб тақалиши ҳақида алоҳида ҳикоя қилиниб, “бой сайёҳлик салоҳиятига ҳамда бир қанча бетакрор шаҳарларга эга Ўзбекистоннинг бугунги ҳудуди кўп асрлар давомида Хитой ва Ғарб ўртасида кўприк вазифасини ўтаган”, дейилади мақолада.

Тадбир халқимизнинг бой маданияти, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасини ривожлантириш, туризм инфратузилмасини модернизация қилиш ва янада кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар, шунингдек, Хитой билан бу йўналишдаги икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболдаги режалар билан маҳаллий туроператорларни, соҳа мутахассислари ҳамда кенг жамоатчилик вакилларини яқиндан таништириш учун қулай имконият яратгани ҳам алоҳида қайд этилади “globalmerchand.com.cn” электрон нашрида.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**«Дунё» АА мухбири**
Пекин

# Азалий дўстликнинг узвий давоми

*Юртимизда меҳмон бўлиб турган Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Орумбекзода бошчилигидаги дўстлик делегацияси 3 август куни Самарқанд шаҳрига келди.*

**ҲАМКОРЛИК**

Меҳмонлар дастлаб Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов мақбара-мажмуасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилиниб, буюк давлат ва сиёсат арбоби қабрига гуллар қўйилди.

Меҳмонлар мазкур мажмуа Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва халқининг Ислом Каримов хотирасига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтироми рамзи сифатида Самарқанднинг қутлуғ қадамжоларидан бирига айланганини таъкидлади. Бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари, зиёратчилар учун яратилган қулай шароит делегация аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Шундан сўнг меҳмонлар Самарқанд шаҳрида ўрнатилган Алишер Навоий ҳамда Абдураҳмон Жомий ҳайкали пойига гуллар қўйди. Икки буюк мутафаккир ўз ижоди билан ўзбек ва тожик халқлари дўстлигини мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшгани, уларнинг ижодий мероси бугун ҳам айни мақсадга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Дунёга машҳур Регистон ансамбли ҳамда бу ерда намойиш этилган миллий ҳунармандлик маҳсулотлари кўргазмаси, фольклор жамоалари чиқишларини ҳам меҳмонлар катта ҳаяжон билан кузатди.

— Бизнинг тарихимиз, маданиятимиз ва қадриятларимиз бир-бирига уйғунлигига икки кундан буён ўтказилаётган маданий тадбирлар ҳамда учрашувлар, юртингиздаги тарихий масканларга уюштирилаётган саёҳатлар жараёнида яна бир бор амин бўляпмиз, — дейди Тожикистон халқ шоири Асқар Ҳаким. — Регистондаги миллий ҳунармандлик маҳсулотлари биздаги билан деярли бир хил, тарихий бинолар архитектураси, фольклор жамоалар репертуарида ҳам шундай ўхшашликни кўриш мумкин. Бундан жуда завқландик. Асосийси, халқингизнинг очиқ юз ва самимийлиги, меҳмондўстлигидан бошимиз кўкка етди.

Самарқанд вилояти ҳокимлигида депутатлар, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли шоир ва ёзувчилар, илм-фан, маданият ҳамда санъат намояндаларининг Тожикистон дўстлик делегацияси билан учрашуви ўтказилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг оқилона сиёсати натижасида халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари янада мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. Мазкур ташриф ҳам ана шу ҳамкорлик самараси сифатида маданий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Тадбирда ижодкорлар томонидан ўзбек ҳамда тожик тилларида шеърлар ўқилди, эзгу тилаклар билдирилди.

Тожикистон делегацияси иштирокида яна бир қатор маданий тадбирлар, учрашувлар ўтказилди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

